



Рузи Хаитович Хаитов 1926 йилнинг 18 декабр Навоий вилояти Кармана туманининг Жалоир кишлоғида туғилиб, 6 ёшдан болалар уйида тарбияланди. Рузи Хаитович 1943 йили Самарканд шаҳридаги «Зооветеринария» техникумини аъло баҳоларга ботириб, ҳозирги Жиззах вилоятининг Фориш туман и да зоотехник лавозимида ишлади. У 1944-1949 йилларда Ўзбекистон кишлоқ хўжалик институтининг «Ветеринария» факультетини аъло баҳоларга ботириб, ректорат тавсияси билан 1949 йилдан «Нормал ва патологик физиология» кафедрасида ассистент, 1950-1953 йилларда ассистентлик билан бир вақтда аспирантурада ўқиб, 1954 йил «Самарканд вилояти қоракўл қўйларининг аноплоцефал ятоқ касаллигини эпизоотологияси»

мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилиб, кафедра ассистенти, доценти, 1961-1993 йиллар хайвонлар физиологияси патофизиологияси ва биокимё кафедрасининг мудири, ҳозирги кўнга қадар шу кафедранинг профессори лавозимида ишлаб келмоқда. Рузи Хаитович 1954-1958 йиллар институт қасаба уюшмаси раиси, 1960-1961 йиллар Зоотехния факультети деканининг муовини, 1964 йилдан 1974 йилгача Самарканд вилояти «Билим» жамияти раиси, 1961-1977 йиллар Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалик вазирининг буйруғи билан институт ректори, 1966-1977 йиллар қолхозлар, совхозлар тарихини яратиш жамоатчилиқ институтининг Самарканд вилоят филиалининг раиси, 1983-1984 йиллар Ветеринария факультетининг декани лавозимида фидоқорона ишлаб 32000 дан ортиқ юқори малақали ветеринар, зооинженер, қорқулшунос ва агроном мутахассисларини тайёрлашда раҳбарлик қилиб, халқ хўжалигини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшди. Ректорлик лавозимида ишлаган даврида маънавий ва моддий мавқеини мустаҳкамлаш

соҳасида алоҳида жонбозлик қўрсатиб, институтни юқори малақали профессор-ўқитувчилар ва замонавий ўқув қўроллари билан таъминлашда бош-қош бўлди. Мохир ташкилотчи, фидоий раҳбар, устоз, ёшларни сеvimли мураббийси Р.Хаитов кенг билим савиясига эга бўлганлиғи учун хайвонлар организмни иммунологии реактивлиғи, кенг қўлланиладиган пестицидлар ва турли биостимуляторларни хайвонлар махсулдорлиғига таъсирини атрофлича урганиб, 1969 йил «Биологик препаратларни паратифоз иммунитетига таъсири» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди ва 1970 йил профессор илмий ўнвонига муяссар бўлди. Профессор Р.Х.Хаитовни раҳбарлик лавозимида ишлаган даврида институтда илмий тадқиқот ишлар сифати ва ҳажми ошди. Галла, сабзавот ва бошқаларнинг янги маданий навлари яратилди. Хайвонлар ва паррандалар касаллигини олдини олиш ва даволаш учун самарали таъсир қиладиган препаратлар яратилди. Янги кафедра, лаборатория, музей, лингафон кабинети, иттифокда ягона қоракўлчилик факультетини, Урта Осиёда ягона паррандачилик булимини, сиртки таълим олиш булимини ташкил қилишда фаол қатнашди. Бу йиллар давомида институтга қабул икки мартаба оширилди. Кафедралар таъминланган янги замонавий лабораториялар хособига яхшиланди. Р.Х.Хаитов фаол жамоатчи сифатида 1959-1990 йиллар институт партия қўмитасининг маънавий-маърифий секторининг

бошлиги, 1962-1995 йиллар бир неча бор вилоят, шаҳр халқ депутатлари кенгаши депутати, 1962-1979 йиллар вилоят партия кумитаси пленуми аъзоси, XVIII-XIX Ўзбекистон Республикаси съезди, бутун иттифок маорифчилар, физиологлар, патофизиологлар, Ўзбекистон ва иттифок «Билим» жамиятлари съездларини

делегати, Самарканд вилоят физиолог ва патофизиологлар жамияти раиси, «Боги-Темур» маҳалла оксоколининг фахрий буйича муовини, институт фахрийлар жамгармаси марказининг раиси, Самарканд вилоят чорвачилик кенгашининг раис муовини лавозимларида фидокорона тинмай ишлаб келмоқда. 6 та дарслик, 2 та брошюра, 1 та очерк, 20 дан ортиқ укув-услубий кулланмалар, 10 дан ортиқ тавсияномалар, 400 дан ортиқ илмий мақолалар тайёрлаб, chop etgan. P.X.Хайтов раҳбарлигида 40 дан ортиқ фан докторлар ва номзодларини тайёрлашда бевосита илмий раҳбар булган. Almateter учун 30 га яқин фан доктори ва 160 дан ортиқ фан номзодлари тайёрлашда фаол қатнашган. Профессор P.Хайтовнинг фидокорона меҳнати 2 та орден, 8 та медал, 2 марта Бутуниттифок халқ хужалиги қурғазмаси медалининг совриндори, иттифок «Билим» жамияти олий мукофоти академик Н.И.Вавилов медали, иттифок қишлоқ хужалик фанлар академиясининг олий мукофоти академик М.Н.Вышелеский медали, иттифок қишлоқ хужалик ва олий таълим, муҳофаа вазирликларини қўрақ нишонлари, 2 марта Ўзбекистон Олий Совети Президиуми фахрий фахрий ёрлиги, 2 марта Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети, Олий Совети Фахрий Ёрлиги ва қўлаб турли ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Унинг асосий хизматлардан бири ушбу институт билан чет эл давлатлар уртасида алоқа урнатишга эришди, жумладан: Манголия, Болгария, Афғонистон, Россия, Озарбайжон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа Республикаларни сўшлари Сам ҚХИда таълим олди. Институтни муваффақиятли битирган мутахассислар эса АҚД1, Хитой, Вьетнам, Индистон, Куба, Корея, Алжир Яман, Миср, Сомали, Танзания, Кения, Грузия, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларда ишлаб келмоқдалар. P.X.Хайтов Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 10-15 йиллиги эсталик нишони билан мукофотланган.

Юбиляримизнинг таълим топганлигига 85 йил, илмий педагогик ва жамоатчилик фаолиятига 65 йил тулган қунда ҳам замон билан ҳамнафас қолди, тулик фидокорона иш фаолияти билан барча уқитувчи педагогларга ур^{нак} қўрсатиб, мустақда мамлакатимиз учун уга зарур булган, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ёш мутахассисларни тайёрлашда тинимсиз меҳнат қилиб қелаётган ҳурматли устозимиз P.X.Хайтовга ҳеч қачон қарчаманг деб тилақ билдирамиз.

Ташкилий қў^{мита}